




Сталин 1941 йил немис танкларининг Киевга караб юриши хакида хабар топгач, бунга алохида эътибор қаратмади ва бу каби маълумотлар тарқатилишини ваҳимачилик намоён бўлиши деб атади. Чекиниш хақидаги гаплар учун ўлим жазоси билан таҳдид солди. Пировардида Кизил Армия асир тушган 665 минг кишини йўқотди.

1941 йил июль ойининг охирларида, вермахт хужум бошлаган кундан бир неча ҳафта ўтгач, Совет Иттифоқи Бош штаби бошлиғи Георгий Жуков олий ҳарбий кўмонданларга Киевни топшириш ва келажакни кўзлаган ҳолда Днепр дарёси ортида мудофаа чизиги яратишни тавсия қилганди. Жаҳли чиккан Сталин бу таклифни «буҳуда гап» деб атаб, рад қилди, шундан сўнг Жуков жасорат кўрсатиб таклиф билдирмасликни маъкул кўрди. Уни эгаллаб турган лавозимидан озод этишларини сўради, ваҳоланки бунинг учун у мағлубиятчиликда айбланиши ва ўлим жазосига ҳукм қилиниши мумкин эди. Бирок Сталин, бу таклифга истар-истамас рози бўлди ва бу генерални Захира фронтга бош қилиб тайинлади, Ставкадаги ўрнини ҳам саклаб қолди.

Олти ойдан кейин Сталин Жуковнинг эҳтимол, ҳақ бўлганлигини тан олмасдан иложи қолмади. Шу аснода Кизил Армия олти армия ва тўртта захира армия ёрдамида Смоленск яқинида немисларнинг «Марказ» армиялар гуруҳини тўхтата олди, жанубда эса душманни орқага қайтаришга эришилди. Бирок бу йирик танк бўлинмаларининг бу йўналишдаги ҳаракатини тўхтатиб, уларни бошқа томонга йўналтирган Гитлернинг буйруғи туфайли рўй берди. Генерал Герман Готнинг жанговар машиналари «Шимол» армиялар гуруҳининг Ленинградга хужумини қўллаб-қувватлаши лозим бўлган бир пайтда генерал Гудерианнинг танклари жанубга, Украинага йўл олди.

Немис ҳарбий кампаниясининг дастлабки режасига кўра Москвага шиддат билан хужум уюштириш кўзда тутилганди ва вермахт кўмондонлиги Москванинг кулаши Совет Иттифоқи устидан яшин тезлигидаги галабани англатишига умид қилди.

Шу сабабли «Марказ» армиялар гуруҳига иккита танк гуруҳи берилди, «Шимол» армиялар гуруҳи ва «Жануб» армиялар гуруҳи эса танк дивизияси ва моторлаштирилган дивизиядан иборат бўлган битта танк армияси билан қучайтирилган. Мос равишда, уларнинг тобора қучайиб бораётган советлар қаршилигини енгиб ўтиб, хужум қилиши қийин эди.

Ўз генералларининг қаршилиқ кўрсатишига қарамай, Гитлер Украинага нисбатан ўз ҳаракатларини ҳарбий-иктисодий мулоҳазалар билан асослади. Унинг учун бу

мамлакатнинг саноат, фойдали казилмалар ва кишлок хўжалиги соҳасидаги бой ресурсларини зудлик билан ўз назорати остига олиш муҳим эди, бу ўз-ўзидан, Сталин устидан тез галаба қозониш ва зафар қучишнинг имкони бўлмаслигини тан олиш бўлди. Гудериан Гитлернинг кўрсатмасига риоя қилиш ва танкларни Киев билан Украина шарқининг саноат маркази бўлган Харьков ўртасида жойлашган Лохвица томон йўналтиришга мажбур бўлди. Бу шаҳар Умань яқинидаги «копкон»да галаба қозонганидан сўнг ўз юришини давом эттирган генерал Эвальд фон Клейст кўмондонлиги остидаги 1-танк гуруҳининг ҳам нишони бўлган. Припять дарёси бўйлаб ботқоклар орқали ҳаракатланган «Жануб» армиялар гуруҳининг пиёдалар дивизиясига қеладиغان бўлсак, совет химоячилари уларни Киев ва Днепр йўналишида фаол сиқиб чиқарди.

7 сентябрь куни советларнинг Жанубий-ғарбий фронт кўмондони Михаил Кирпонос Ставқадан унинг кўшилари дарё ортидаги позицияни эгаллаши мумкин бўлишини каттиқ туриб талаб қилди. Фақат икки кундан кейингина – бу вақтга қелиб немислар унинг ўнг қанотини деярли қуршаб бўлганди – у руҳсат олди, лекин у қандай қилиб бўлса ҳам Киевни ва дарёнинг ўнг қирғоғидаги бошқа плацдармларни ушлаб қолиш ҳақида қатъий буйруқ олганди. 11 сентябрда Сталин унга қўнгирок қилиб, Кирпоносни ва бутун жанубий-ғарбий ўқ кўмондони Семен Буденнийни улар «қаршилик кўрсатиш йўллари» ўрнига мунтазам «чекиниш учун оралик» қидиришда айблади.

Буденный – ўтмишда Сталиннинг сафдоши, совет маршалига айланган собик кавалерист ва чор армияси унтер-офицери – бутун жасоратини тўплаб, «чекинишда кечикиш кўшинларнинг ва моддий қисмнинг улкан қисми йўқотилиши»га олиб қелиши мумкинлигини айтди. Шундан сўнг Сталин унинг ўрнига Семен Тимошенкони тайинлади, лекин Буденнийни – бошқа қўплаб генераллардан фарқли равишда – ўлим жазосига ҳукм қилмади.

Хатто 14 сентябрда ҳам Ставка Киев фронтидан ҳалокат ҳақида қўп сонли хабарлар қабул қилган бўлсада, уларни ваҳимачилик намоён бўлиши сифатида баҳолади ва чекинишни ҳаёлига қелтирган ҳар бир командирни отиб ташлашга буйруқ берди. Бу пайтга қелиб немислар Днепрга яқинлашган ва шарқ томон ҳаракат қилаётганди. 15 сентябрда Гудериан ва Клейстнинг танк гуруҳлари илғор қисмлари Лохвица шаҳри яқинида, Киевдан 200 километр шарқда учрашди. Тўлиқ қуролланган тўртта армия ва яна иккита армия қисмлари, умумий ҳисобда 700 минг киши, қуршовда қолди.

Мағлуб бўлган Тимошенко, охир-оқибат, жасорат топиб, Кирпоносга қучсиз захиралар билан пана қилиниши лозим бўлган шошилиш чекениш ҳақида буйруқ берди. Бироқ Кирпонос, юқоридаги таҳдидлардан қўрққан ҳолда, Ставқадан розилик олишни талаб қилди. 18 сентябрь куни руҳсат олинди, лекин кеч бўлганди. Кирпонос кўшинларининг қатта қисмида тартиб-интизом бузилганди, бошқарув йўқотилганди ва ўз мақсадига сабот билан интилаётган душманларга қарши тизимсиз жанглар оқибатида қолдан тойганди. Хаттоки совет историографиясида фақат кам сонли қисмларгина қуршовдан чиққанлиги таъкидланади. Кирпоноснинг ўзи граната портлаши натижасида ҳалок бўлди.

26 сентябрь куни жанглар тўхтагач, 150 минг нафар совет аскарлари ҳалок бўлганлиги маълум бўлди. 665 мингта қизил армиячи асир тушди. Немислардан 100 минг киши ҳалок бўлди ва яраланди. Тарихчилар Киев жангини тарихдаги энг йирик алоҳида ҳарбий операция ҳисобланади. Фақат бошқа жойларда жанг қилаётган сўнгги захираларни жангга ташлабгина Ставка фронт қизиги бўйлаб улкан тешиқни ёпа олди ва Ростов-Дон

томон ҳаракатланаётган немис танк қисмларини тўхтатишга эришди. Позицияларни ушлаб қолишга қаратилган ўзар стратегияси туфайли Сталин Гитлерга Москва томон ҳаракатланиш учун имконият тақдим этди. Гудериан танклари зудлик билан советлар пойтахтига ҳужумда иштирок этиш учун шимол томон ҳаракат қилишга буйруқ олди. Фронт ортига айланишга улгурган Киевга киргин уюштириш учун урушнинг иккинчи қисмини бошлаш мақсадида СС бўлинмалари айнзац-гурухлар билан кириб келди. 29 ва 30 сентябрда Бабий Яр жарлигида 33 минг нафар яҳудий отиб ўлдирилди.

Абу Муслим таржимаси